

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил 15 январь

1070 - сонли

Каттакуртон ш (сўрашган тўғрисида айтиш)

Каттакуртон ш Электр таъминоти корхонаси

(Электр энергияси билан таъминловчи ташкилат номи)

(кейинги ўринларда "Корхона" деб юритилади) нинг "Иттифоқ" асосида фаолият юритувчи раҳбари _____, ушбу шартномада кўрсатилган фаолият юритувчи раҳбари Каттакуртон Педагогика коллежи

ва _____ (Электр энергияси истеъмолчисининг номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг Иттифоқ асосида фаолият юритувчи раҳбари Р. Н. Киличев, иккинчи тарафдан тизимдаги шахсий ҳисоб varaқаси _____, ушбу шартномада кўрсатилган ҳақида тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона Истеъмолчига уланган электр тармоқлари орқали Электр энергиясини (кейинги ўринларда "Энергия" деб юритилади) etkazиб бериш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна аввалдан буюртма берилган ёки ягона электр энергетика тизимининг максимум юкламалари соатларида катташулуви амалдаги максимум ҳар бир кВт қувват (кейинчалик "Қувват") учун ҳам ҳақ тўлайдилар.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолчининг йиллик шартномасий ҳажми 5333.4

кВт.с.ни ташкил қилади.

2.2 Etkazиб бериладиган Энергиянинг шартнома тузилган кундаги амалда бўлган тариф бўйича умумий нархи _____ сўми, Қувватнинг нархи 450_сўмни ташкил этади. 23298950

2.3 Истеъмолчига etkazиб бериладиган Энергиянинг ойма-ой бўлинган йиллик ҳажми ва аввалдан буюртма берилган Қувват ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган.

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига etkazиб берилган Энергия (Қувват) миқдори Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари асосида аниқланади (2-илова).

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги "Табий монополиялар

субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар" учун etkazиб бериладиган Энергиянинг йиллик минимал ҳажми 5333.4 кВт.с.ни ташкил қилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Etkazиб берилган Энергия ва Қувват учун Истеъмолчи ва Корхона ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлган давр бир ойни ташкил этади.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив Энергия ҳамда Қувватнинг ҳисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасидаги ҳисобга олиш нукталарида амалга оширилади (3-илова).

Агар Энергия(Қувват)ни ҳисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисмидаги Энергиянинг технологик сарфи ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аниқланади ва электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб, Корхона ёки Истеъмолчи ҳисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда Энергия ва Қувватнинг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини қайд этади. Истеъмолчи томонидан ҳудудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича чопар орқали ёки факсимиль алоқа ёхуд электрон почта алоқаси орқали тақдим этилган электр энергияси ва қуввати сарфи тўғрисидаги ҳисобот ҳам истеъмол қилинган электр энергияси ва қувватининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, Электр энергияси истеъмолчини ҳисобга-олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими мавжуд ҳолларда қувват учун ҳисоб-китоб, энерготизимнинг максимум юклама соатларидаги Истеъмолчининг максимум юкламасини ҳар ярим соатлик интервалларда бирлаштириб аниқлаш эвазига амалга оширилади.

3.4 Корхона ҳар ойда Истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини қайд этиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг завод рақамларини ҳамда амалда истеъмол қилинган Энергия ҳажми тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисоботни расмийлаштирилади (5-илова).

3.5 Ҳисобот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчига ҳисоб-фактурани тақдим этади.

Истеъмолчида турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир объект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.